

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 127

2022 йил "04" Ноябрь

Иштихон шахри

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Иштихон туман Болалар-усмирлар спорт мактаби номидан ўзининг Низоми асосида иш юритувчи раҳбар О.Садуллаев бир томондан, кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритиладиган «ISHTIXON TARAQQIYOT QURILISH»МЧЖ номидан Низом асосида иш юритувчи У.Усмонов иккинчи томондан мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. ТАРИФЛАР

1. Мазкур шартномада қуйидаги тарифлар қўлланилади:

ижро ҳужжатлари - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш ормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

қурилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

вақтинчалик иншоотлар - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нархини бўлиб чиқиш - ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан Иштихон туман Болалар-ўсмирлар спорт мактаби учун футбол майдони қуриш ишларини тайёр ҳолда топшириш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва тендер комиссиясининг қарори (2022 йил "01" ноябрдаги 168707-сон баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 1 463 000 000 (Бир миллиард тўрт юз олтмиш уч миллион) сўмни ташкил қилади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно: қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда; ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда; объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг **II бўлимида** назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 1- иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

1- иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтқазилган дарактларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироқлари ўрнатиш;

қурилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

қурилиш майдони қўриқланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 15 кун муддатда мазкур шартномага **1-иловага** мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда қўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш; молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

10. Шартнома:

миллий валюта "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдорида аванс ўткази, бу **438 900 000 (Тўрт юз ўттиз саккиз миллион тўққиз юз) сўмни** ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (1-илова).

16. Барча ишларни Пудратчи бажаргандан сўнг, Буюртмачи ишларни қабул қилиш далолатномаси тузади. Далолатнома имзолангандан сўнг, 5 банк иш куни ичида Буюртмачи қолган 70 фоиз тўловни амалга оширади.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

17. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини - техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб- ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

18. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

19. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

20. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

21. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

22. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

23. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиши тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

24. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

25. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

26. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қиладилар.

27. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

28. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

29. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 15 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

30. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда

икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

31. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. КАФОЛАТЛАР

32. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, техник регламентлар ёки стандартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

XIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

33. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

34. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

35. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра угалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

36. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

37. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

38. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

39. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни коплайди;

40. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки ўрсатилмаган

хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома артлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

XV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

41. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

XVII. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

42. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар рўқасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

43. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар яқунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

44. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

45. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

XVII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ: __

«Пудратчи»

«Буюртмачи»

«ISHTIXON TARAQQIYOT QURILISH» МЧЖ

Манзил: Иштихон шаҳри Гулистон кўчаси 33 уй

Тел:

Х/Р: 20208000400296951001

Банк номи: «Ипотека банк» Сам. в. фил

МФО: 00312

СТИР: 302836040 ИФУТ: 61110

Рахбар

У.Усмонов

М.У

Иштихон туман Болалар-усмирлар спорт
мактаби

Манзил: Иштихон ш. Иштихон кўчаси

Тел/факс: 97-926-56-18

Ш/ХВ: 100022860182127083610135001

СТИР: 207058050 ИФУТ: 9700

Иштихон т. буйича Газначилик Булинмаси

Газна Х/Р: 23403000300100001010

Банк номи: Марказий б. Тошкент ш.

ХККМ

МФО: 00014 СТИР: 201122919

Рахбар

О.Садуллаев

М.У





Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"ISHTIXON TARAQQIYOT QURILISH" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"ISHTIXON TARAQQIYOT QURILISH" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

19.02.2014

2766

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

302836040

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Samarqand viloyati, Ishtixon tumani, Ishtixon, GULISTON, 5,

Guvohnoma:

Samarqand viloyati, Ishtixon tumani, DAVLAT
XIZMATLARI MARKAZI

tomonidan
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):





2022 йилда Иштихон тумани спорт мактабига қарашли Иштихон тумани марказий ўйингоҳини қайта қуриш бўйича
М А Н З И Л И Й Д А С Т У Р И


Т/Р	Объектларнинг номи ва жойлашган манзили	Қурилиш бошланиши ва тугалланиши йили	Қурилиш сони	Пудрат шартномаси тузилиш вақтига қурилишнинг умумий қиймати	Қурилишнинг 2022 йил 1 январь ҳолатига қолдиқ қиймати	2022 йил капитал қуйилмалар ҳажми				Лойиха экспертизаси ва баённома санаси ва рақами	Телдери савдолари тасдиқланган рақами	Пудратчи қурилиш таъкилотининг номи	
						Жами капитал қуйилмалар	Жихозлар	Жами	Шу жумладан лойиха				Экспертиза
1	Иштихон тумани	2022 йил	1	1463000000	0	1463000000	0	1510185600,0	45000000,0	2185600,0	07,10,2022 йил №64375	01,11,2022 йил №168707	Иштихон тараккиёт қурилиш
	Туман бўйича жами		1	1463000000	0	1463000000	0	1510185600,0	45000000,0	2185600,0	0	0	0



Иштихон тумани ҳокимининг ўринбосари
 С.Тўхтақуролов
 " " " 2022 й.



Иштихон тумани Спорт мактаби директори
 О.Садуллаев
 " " " 2022 й.



Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш вазирлиги

№ 3232-9563-189b-6ce9-0632-4313-1385
Ҳужжат яратилган сана: 2022-09-07
Ариза рақами: 59546594

Ҳужжат берилган: "ISHTIXON TUMANI SPORT MAKTABI"
DAVLAT MUASSASASI
ЖШ ШИР: 207058050

**АРХИТЕКТУРА-РЕЖАЛАШТИРИШ
ТОПШИРИҒИ**

07.09.2022 18:23 й.
1718-1718212-49867 -сон

Лойиҳавий бино (иншоот) тури:	FUDBOL MAYDONINI HAMDA BINO INSHOOTLARINI REKONSTRUKSIYA QILISHGA
Лойиҳавий бино (иншоот)нинг манзили:	Иштихон тумани Иштихон шаҳри Иштихон кучаси ҳудудида
Лойиҳавий бино (иншоот)нинг буюртмачиси:	"ISHTIXON TUMANI SPORT MAKTABI" DAVLAT MUASSASASI

Ушбу архитектура-режалаштириш топшириғи фақат лойиҳалаштириш ишларини амалга ошириш учун ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланиб, қурилиш-монтаж ишларини бошлашга асос бўла олмайди. Қурилиш бош бошқармасининг манзили ва телефон рақамлари: Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳар "Куксарой майдони" 1-корпус 1-"Д" бино 1-қават Тел: 66 25 94

#	Архитектура-режалаштириш топшириқларининг қисмлари	Қисмларнинг мазмуни
1	Архитектура-режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқиш учун асос бўлган ҳужжатлар	Иштихон туман қурилиш бўлимининг 07.09.2022 йилдаги № 1718212-70486-сонли рўхсатномаси. Давлат хизматлари марказининг 07.09.2022 йил № 59546594-сон хати.
2	Лойиҳалаштириладиган бино ва иншоот (кейинги ўринларда объект деб аталади) ер участкасининг жойлашини ва бош режада тўган ўрни	Иштихон тумани Иштихон шаҳри Иштихон кучаси ҳудудида жойлашган бино иншоот ва футбол стадиони ер майдони. Аҳоли пунктида жойлашган бош режаси мавжуд. Объект жойлашган ҳудуд электр таъминоти ва табиий газ таъиноти билан таъминланган.

3	Лойihalаштириладиган объект худудининг табиий-иклим кўрсаткичлари	Лойihalаштириладиган объектнинг ер участкаси мутадил иклим худудида жойлашган. Ўртача йиллик ҳаво ҳарорати: 150 энг баланд ҳарорат- +33,90, энг паст ҳарорат- -3,50 (Июнь-август ойнарида, Декабрь-февраль ойнарида). Объект қурилишини лойihalаштириш жараёнида эрозия (емирилиш), селдан сақлаш, сув ва шамол эрозиясидан сақлаш тадбирлари белгилансин. Объектнинг муҳандислик тайёргарлиги ва ҳавфли геологик ҳамда гидрогеологик ҳодисалардан муҳофазаси ШНҚ 2.07.01-03* ва КМК 2.01.03-96 талабларига мувофиқ ишлаб чиқилсин.
4	Лойihalаштириладиган объект ер участкасининг геологик ва топографик жиҳатдан ўрганилганлиги	Ҳолатни урганиш учун "O'ZGASHKLITI" давлат унитар корхонасининг филиалига 1:500 нисбатдаги топохарита ишлаб чиқиш учун буюртма берилсин, тупроқ таркибининг геологик худосасига асосан лойihalаштирилсин.
5	Лойihalаштириладиган объект ер участкасининг чегаралари ҳамда унга туташ объектлар ёки ер участкалари тўғрисида маълумот	Лойihalаштириш учун танланган ер майдони қуйидагича чегараланган: Шимол томондан – кадастр ҳужжати асосида чегараланган; Жануб томонда - кадастр ҳужжати асосида чегараланган; Шарк томондан – кадастр ҳужжати асосида чегараланган; Ғарб томондан – кадастр ҳужжати асосида чегараланган;
6	«Қизил чизиклар ва белгилар»	Лойihalаштириладиган объект ер участкасининг тасдиқланган чегарасидан чиқмасдан, қурилиш чизикларига амал қилган ҳолда лойиҳа ишларини олиб борилиши таъминлансин.
7	Архитектура талаблари	Лойиҳани ишлаб чиқишда: а) ҳаракатдаги (ШНҚ 2.07.01-03*) шаҳарсозлик меъёр ва қондаларга амал қилинсин; б) объект атрофидаги мавжуд биноларга муҳассамлиги таъминлансин, ягона архитектура қурилиши (ансамбли) ташкил этилиши лозимлигига алоҳида эътибор қаратилсин; в) объектни реконструкция қилиш лойиҳаларини ишлаб чиқишни бошлашдан олдин (буюртмачининг талабига биноан ёки ташқи қурилишидан авария ҳолатининг аломатлари мавжуд бўлганда) тегишли лицензияга эга бўлган лойиҳа ва бошқа ташкилотларнинг объектнинг ҳолати (конструкцияларнинг чидамлилиги) буйича худосаси олинсин; г) ушбу архитектура-режалаштириш топшириғига мувофиқ буюртмачи томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган ҳамда алоҳида муҳим объектлар буйича вилоят Қурилиш бош бошқармаси томонидан келишилган лойиҳа топшириқларига ҳамда 1:500 нисбатдаги топохаритадаги тасдиқланган чегараларига амал қилинсин; д) объектнинг 1:500 нисбатдаги бош режасини лойihalаштиришда лойиҳа ташкилоти томонидан қайта ихтисослаштириладиган ва реконструкция қилинадиган бино туширилган ҳамда объект атрофида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари акс этирилган, объектга кириш- чиқиш йўллари ва автомобиллар тўхташ жойлари ташкил этилиши назарда тутилсин; е) объектда қуйидаги кичик архитектура шакллари урнатилиши назарда тутилсин:
8	Лойihalаштириладиган объект ер участкасида мавжуд бино ва иншоотларни бузиш ёки фойдаланиш буйича таклифлар	Лойиҳачининг лойиҳа топшириғига мувофиқ: а) қурилиш учун ажратилган ер участкасида бузилишга тушадиган бино ва иншоотларга аниқдик киритилсин; б) қурилиш учун ажратилган ер участкасида мавжуд бино ва иншоотлардан фойдаланиш буйича таклифлар ишлаб чиқишсин.

9	Объектни босқичма-босқич куриш	Курилишнинг мураккаблигига ва буюртмачи томонидан бериладиган лойиҳа топширигига мувофиқ курилишни бир босқичда олиб бориш ва фойдаланишга топшириш жараёnlари назарда тутилшини мумкин.
10	Ер майдонини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш	Лойиҳанинг ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш қисмида куйидагилар: а) объектда игна баргли, манзарали ва бошқа дарахтлар ҳамда буталар ва гуллар экилиши; б) кўкаламзорлаштириш ҳудудларининг газон ўтлари билан қопланиши; в) ландшафт архитектурасининг ечимларидан фойдаланган ҳолда дарахтларнинг қандай шаклларда бўлиши инобатга олинсин.
11	Санитария-гигиена талаblари	Лойиҳалаштиришда санитария-гигиена талаblарига риоя этилсин. Лойиҳалаштириш жараёнида курилиш материаллари турларини белгилашда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тақиқланмаган ва санитария-гигиена талаblарига жавоб берадиган курилиш материалларидан фойдаланилиши шартлиги кўзда тутилсин. Объект курилиши учун танланган ер майдонидан оқиб утувчи канал ёки ариқ мавжуд бўлган тақдирда, лойиҳадаги сув йўналишини ҳамда сувнинг муҳофаза этиш масофаларини сақлаш ва қирғоқларни ободонлаштириш ва мустаҳкамлаш ишлари лойиҳалаштириш жараёнида инобатга олинсин.
12	Ёнгиндан сақтаниш талаblари	Ёнгиндан сақланиш талаblари ШНҚ 2.02.01-04 шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига асосан лойиҳалаштирилсин.
13	Экология талаblари	Лойиҳалаштиришда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш меъёрларига амал қилинсин.
14	Лойиҳани келишини	Лойиҳа архитектура-режалаштириш топширигига мувофиқлигига Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёки давлат хизматлари маркази орқали куйидагилар билан келишилсин: вилоят Курилиш бош бошқармаси ҳузуридаги ҳудудий архитектура-шаҳарсозлик кенгаши билан бевосита вилоят Курилиш бош бошқармаси билан. Келишини учун электрон шаклда куйидаги ҳужжатлар тақдим этилсин: 1) лойиҳанинг архитектурага оид қисми (тушунтириш хати (тушунтириш хатида лойиҳа-смета ҳужжатида ёнғин хавфсизлигига, санитария-эпидемиология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этиш бўйича ва бошқа йўналишларда бажарилган ишлар ақс эттирилади); 2) бино ва ишгоолининг фасадлари, каватлар режалари, курилиш объектнинг бош режаси, лойиҳа-смета ҳужжатларини бевосита ўзлари санитария-эпидемиология ва ёнғинга қарши назорат хизматлари ҳамда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органлари билан келишадилар;
15	Кўшимча талаblар	Лойиҳа ташкилоти лойиҳани келишини давомида вилоят Курилиш бош бошқармаси ёки экспертиза ҳулосасида кўрсатилган камчиликларни бартараф этади. Буюртмачи ўз хоҳишига кўра курилиш ишлари тугагандан сўнг объект ҳудудининг ижро топотасвирини (ер ости ва ер усти муҳандислик коммуникациялари ақс эттирилган ҳолда) бажарилишини таъминлайди ва унинг бир нусхасини вилоят Курилиш бош бошқармасига топширади. Лойиҳани ишлаб чиқишда зилзилага бардошлик талаblари инобатга олинсин.

Муҳандислик тармоқларига уланиш шартлари:

16	Ичимлик сув тармоғи	
----	---------------------	--

17	Оқава сув тармоғи (канализация)	-
18	Электр тармоғи	-
19	Газ тармоғи	-
20	Телефон алоқа тармоғи	-
21	Иссиқлик ва иссиқ сув тармоғи	-
22	Дренаж тармоғи	-
23	Объектни муҳандислик тармоқларига уланиш бўйича буюртмачига ва лойиҳа ташкилотига қўйилаётган талаблар	Объектларни муҳандислик тармоқларига уланиш тартиб-таомилларни белгилловчи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарориларга риоя этилиши таъминлансин. Объектга уланадиган ер ости ва ер ўсти муҳандислик коммуникациялари унга чегарадош ўзга ер участкаларидан утказиладиган ҳолатларда муҳандислик коммуникацияларининг трассалари ушбу ер участкалари эгалари билан келишилсин. Объектга тегишли ер участкаси ҳудудидан утган ер ости ва ер ўсти муҳандислик коммуникациялари кучирилиши (зарурат бўлганда) лойиҳада инобатга олинсин. Объектга уланадиган ер ости муҳандислик коммуникацияларини ётқизишда кўчаларни ёпиқ ҳолда кесиб ўтишни мутасадди ташкилотлар билан келишилсин.
24	Архитектура-режалаштириш топшириғининг амал қилиш муддати	Ушбу архитектура-режалаштириш топшириғига амал қилиш муддати: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 апрелдаги 200-сон қарорини 21 банди а асосан архитектура-режалаштириш топшириғига АРТ амал қилиш муддати икки йил этиб белгиланган

АРХИТЕКТУРА-РЕЖАЛАШТИРИШ ТОПШИРИҒИНИ ИШЛАБ ЧИҚДИ:

Архитектура-режалаштириш топширигини ишлаб чиқиш бўлими раҳбари:	У.Исаев
Архитектура-режалаштириш топширигини тайёрлаган мутахассис:	У.Рустамов

АРТ лойиҳаолди ҳужжат бўлиб, ер участкаси ёки бино ва иншоотга мулк ҳуқуқини тасдиқламайди ҳамда қурилиш-монтаж ишларини бошлаш учун асос ҳисобланмайди.

ISAYEV UMAR DAVULOVICH

Мазкур ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ Ягона интерактив давлат хизматлари порталида шакллантирилган электрон ҳужжатнинг нусхаси бўлиб, давлат органлари томонидан ушбу ҳужжатни қабул қилишни рад этишлари қатъиян тақиқланади. Ҳужжат ҳақиқийлигини gero.gov.uz веб-сайтида ҳужжатнинг поёб рақамини киритиб ёки мобил телефон ордамида QR- кодни сканер қилиш орқали текшириш мумкин.

8284

